

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ГУВОҲЛАР ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг вазифалари жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш бўйича хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига олган чора-тадбирлар тизимини ҳамда уларни қўллашнинг асослари ва тартибини белгилашдан иборат.

2-модда. Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ҳимоя қилинувчи шахслар – ваколатли давлат органлари томонидан уларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган шахслар;

жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши – жиноятнинг олдини олиш ва уни очишда ёрдам берган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган хавфсизлик, ҳуқуқий, ижтимоий ва

жисмоний ҳимоя чораларининг ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши.

4-модда. Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари

Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунийлик, қонун олдида тенглик, ҳимоя қилинувчи шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлиги, ҳимоя қилинувчи шахслар ва ҳимояни таъминловчи органларнинг ўзаро жавобгарлигидан иборат.

5-модда. Давлат томонидан ҳимоя қилинувчи шахслар

Ушбу Қонунга мувофиқ жиноят процессининг қуйидаги иштирокчилари давлат томонидан ҳимоя қилинади:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;
- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон, холис ва ишда иштирок этувчи педагог ёки психолог.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам давлат томонидан ҳимоя қилиниши мумкин.

Давлат томонидан ҳимоя қилиш чоралари аризага, жабрланувчига ёки жиноят шохидига ёхуд жиноятнинг олдини олиш ва уни очишда ёрдам берган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам қўлланиши мумкин.

6-модда. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимоясини бевосита таъминловчи давлат органлари

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимоясини бевосита таъминловчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар;
- 2) хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар;
- 3) ижтимоий ҳимоя чораларини таъминловчи органлар.

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қарор, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жиноят ишини юритаётган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари, суд ёки жиноят ҳақида хабар келиб тушган органлар томонидан қабул қилинади.

Ички ишлар ёки давлат хавфсизлик хизмати органларининг иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизликни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган давлат томонидан ҳимоя қилиш чоралари мазкур органларнинг ўзлари томонидан таъминланади.

Суд ёки прокуратуранинг иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари суд ёки прокурорнинг қарорига мувофиқ ҳимоя қилинувчи шахс жойлашган жойдаги ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчи бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари тегишли ҳарбий қисмлар қўмондонлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тузилмаларининг юқори турувчи қўмондонлиги томонидан мустақил равишда таъминланади.

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ёки жазони ўташ жойларида бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси органлари томонидан таъминланади.

Ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар зиммасига юклатилади.

2-боб. Жиноят процесси иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг турлари

7-модда. Хавфсизлик чоралари турлари

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси давомида жиноят ишини юритаётган орган, муайян ҳолатларни инобатга олиб, қуйидаги хавфсизлик чораларини қўллаш ҳуқуқига эга:

- 1) ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;
- 2) шахсни, турар жой ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш;
- 3) қонунда белгиланган тартибда индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш;
- 4) вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш;
- 5) бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;
- 6) ҳужжатларни алмаштириш;
- 7) қиёфани ўзгартириш;

8) ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш;

9) ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

10) қамокда сақланаётган ёки жазони ўташ жойида бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан кўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш, шу жумладан бир қамокда сақлаш ёки жазони ўташ жойидан бошқасига ўтказиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 6-8-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чоралари реал зарурат мавжуд бўлган тақдирда фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича қўлланилади.

8-модда. Ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш

Ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлар (шахсий ҳаётига оид маълумотлар)нинг конфиденциаллигини таъминлаш хавфсизлик чорасини таъминловчи органнинг қарорига мувофиқ алоқа операторлари ҳамда давлат ва бошқа ахборот-маълумот фондларида мавжуд бўлган ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларнинг берилишига тақиқ ўрнатиш, унинг телефон рақамларини ўзгартириш ва унинг фойдаланувидаги ёки унга тегишли транспорт воситаларининг давлат қайд рақам белгиларини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Бошқа жиноят ёки маъмурий, иқтисодий ёхуд фуқаролик иши билан боғлиқ алоҳида ҳолларда ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлар ёзма сўров асосида ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг ёзма розилиги билан суриштирув, дастлабки тергов, суд органларига берилиши мумкин.

9-модда. Шахсни, турар жой ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш

Ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳаёти ёхуд соғлиғи ёки мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқланганда хавфсизликни таъминловчи органлар томонидан унинг розилиги билан уни, турар жойи ва мол-мулкни қўриқлаш амалга оширилади.

Ҳимоя қилинувчи шахс томонидан эгалланган турар жой ва мол-мулк кузатув техник воситалар, ёнғинга қарши ва ҳимоя сигнализациялари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан жиҳозланиши мумкин.

10-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсга индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш

Хавфсизликни таъминловчи органлар ҳимоя қилинувчи шахс ҳаёти ва соғлиғига нисбатан таҳдиднинг даражасини инобатга олган ҳолда унга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус индивидуал ҳимоя воситалари ҳамда унга нисбатан содир этиладиган ғайриҳуқуқий тажовузларни қайд этувчи ва хавф ҳақида хабар берувчи техник воситаларни беришлари мумкин.

Ҳимоя қилинувчи шахсга бериладиган махсус индивидуал ҳимоя воситалари ва техник воситалар, шунингдек уларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

11-модда. Вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш

Зарур ҳолларда вояга етган ҳимоя қилинувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра, вояга етмаганлари эса – ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан ўзлари учун хавфсизлик таъминланган жойларга жойлаштирилиши мумкин.

Мазкур жойда бўлиш муддати ҳимоя қилинувчи шахс ва хавфсизликни таъминловчи орган ўртасида келишилади.

12-модда. Бошқа яшаш жойга кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўгартириш

Ҳимоя қилинувчи шахслар ўз розилиги билан ёки аризалари асосида вақтинча ёки доимий равишда бошқа иш (хизмат)га ёхуд ўқиш жойига ўтказилиши, вақтинча ёки доимий яшаш учун бошқа жойга кўчирилиши мумкин.

Ҳимоя қилинувчи шахс доимий яшаш учун бошқа жойга кўчирилганда унга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан турар жой берилади, кўчиб ўтиш билан боғлиқ харажатлари қопланади, моддий ёрдам кўрсатилади, иш билан таъминлаш кафолатланади ва аввалгисига ўхшаш иш (хизмат) ёки ўқиш жойини танлашда амалий ёрдам кўрсатилади.

Ҳимоя қилинувчи шахс вақтинча яшаш учун бошқа жойга кўчирилганда у томондан илгари эгалланган яшаш жойи ва аввалги ёки аввалгисига ўхшаш иш (хизмат) ёки ўқиш жойи билан таъминланиш кафолатлари у кўрсатилган сабабга кўра ҳозир бўлмаган бутун давр давомида сақланиб қолади.

Бошқа яшаш жойга кўчириш ҳамда иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўгартириш ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлигини унга нисбатан бошқа хавфсизлик чораларини қўллаш орқали таъминлашнинг имкони бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилади.

13-модда. Хужжатларни алмаштириш

Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг аризасига кўра ёки уларнинг розилиги билан уларга фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотлари ўзгартирилган шахсини тасдиқловчи ва ўзга ҳужжатлар берилиши мумкин.

Фамилияси, исми, отасининг исми ҳимоя қилинувчи шахснинг ўзи томонидан ёки у билан келишилган ҳолда, вояга етмаганлар учун эса – уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллариининг розилиги билан танланиши шарт.

14-модда. Қиёфани ўзгартириш

Ҳимоя қилинувчи шахснинг қиёфаси унинг хавфсизлигини бошқа чоралар билан таъминлашнинг имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда унинг аризасига кўра ёки ўз розилиги асосида, вояга етмаганлар учун эса – уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллариининг ёзма розилиги билан дастлабки кўринишдан жиддий фарқ қилишини таъминланган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

15-модда. Ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш

Ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш жиноят иши материалларидан шахснинг анкета маълумотларини олиб қўйиш ва уларни асосий иш юритувдан ажратган ҳолда сақлаш, шунингдек бунинг учун таҳаллусдан фойдаланишдан иборат.

16-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш

Ҳарбий хизматчилари, ҳарбий йиғинлардан ўтиш жараёнида бўлган захирада турган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг давлат муассасаларнинг, ҳарбий қисмларнинг ёки бирлашмаларнинг фуқаро ходимларидан иборат шахсларнинг хавфсизлиги Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий қисмлари, бирлашмалари ёки давлат муассасалари, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларда ҳарбий хизматни ўташнинг ва ишлашнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу Қонунда белгиланган хавфсизлик чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан уни ҳарбий хизматни ўташ учун бошқа жойга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг, бошқа қўшинларнинг, қонун ҳужжатларида ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа бир давлат органи ҳарбий тузилмаларининг давлат

муассасалари ёки ҳарбий қисмларига ўтказиш, ҳимоя қилинувчи шахсга таҳдид келтириши мумкин бўлган чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчини, агар унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг бошқа ҳарбий қисмларига, бошқа ҳарбий муассасаларига хизмат сафарига юбориш ёки ўтказиш каби хавфсизлик чораларини қўллаш мумкин.

Ҳимоя қилинувчи шахсни хизмат сафарига юбориш ёки ўтказиш унинг ёзма розилиги асосида амалга оширилади. Ҳарбий хизматчи ўтказилганда тенг ҳарбий лавозимга тайинланади, бунда ундан асосий ёки ҳарбий рўйхатга киритилган соҳага ўхшаш ихтисос бўйича фойдаланилиши таъминланиши лозим.

Хавфсизлик чораларини таъминловчи бошқа органлар ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлигини таъминлашда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг давлат муассасаси бошлиғига ёки ҳарбий қисм кўмондонлигига амалий ёрдам кўрсатади.

17-модда. Қамоқда сақланаётган ёки жазони ўташ жойида бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш

Қамоқда сақланаётган ёки озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш ёки интизомий ҳарбий қисмда сақлаш тарзидаги жазони ўташ жойида бўлган ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлиги унга нисбатан ушбу Қонун 7-моддаси биринчи қисмининг 1, 7, 8 ва 10-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар ҳам қўлланиши мумкин:

1) ҳимоя қилинувчи шахсни ва зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни улар ушлаб турилганида, қамоққа олинганида ва уларга нисбатан жиноий жазолар тайинланганда бир-биридан алоҳида бўлган жазони ўташ ва қамоқда сақлаш жойларига юбориш;

2) ҳимоя қилинувчи шахсни ёки зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни бир қамоқда сақлаш ва жазони ўташ жойидан бошқасига ўтказиш;

3) ҳимоя қилинувчи шахсни ва зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни алоҳида-алоҳида сақлаш;

4) ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини ёки жазо жорасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартириш.

18-модда. Ижтимоий ҳимоя чоралари

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлган (вафот этган)да унинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлаб берилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан унинг баданига ёки соғлиғига ногиронликни келтириб чиқарувчи шикаст ёки бошқа зарар етказилганда давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг қарорига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлаб берилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан унинг баданига ёки соғлиғига ногиронликни келтириб чиқармайдиган шикаст ёки бошқа бир зарар етказилганда давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бюджет маблағлари ҳисобидан бир йўла бериладиган нафақа тўлаб берилади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлган (вафот этган)да унинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга, агар улар қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланадиган турли бир йўла бериладиган нафақалар олиш ҳуқуқига эга бўлса, уларнинг хоҳишига кўра бир йўла бериладиган нафақалардан биттаси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг баданига шикаст ёки соғлиғига бошқа бир зарар етказилганда, агар улар қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланадиган турли бир йўла бериладиган нафақалар олиш ҳуқуқига эга бўлса, уларга ўзларининг хоҳишига кўра бир йўла бериладиган нафақалардан биттаси тайинланади.

Ушбу модданинг биринчи-бешинчи қисмларида кўрсатилган бир йўла бериладиган нафақаларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан унга етказилган мулкӣ зарар бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа молиявий манбалар ҳисобидан қопланади, кейинчалик ушбу маблағлар ҳимоя қилинувчи

шахсга мулкый зарар етказилишида айбдор бўлган шахслардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ундирилади.

3-боб. Давлат томонидан ҳимоя қилишнинг асослари ва тартиби

19-модда. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан аниқланган, ҳимоя қилинувчи шахсни жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкларини йўқ қилиш ёки уларга зарар етказишнинг реал таҳдиди мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар хавфсизлик чораларини қўллашга асос бўлади.

Хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи шахснинг ёзма аризаси ёки ёзма розилиги асосида, вояга етмаганлар учун эса – уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари (ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари бўлмаган ҳолда)нинг аризаси ёхуд уларнинг ёзма розилиги асосида қўлланилади.

Агар хавфсизлик чораларининг қўлланиши ҳимоя қилинувчи шахснинг оила аъзолари ва у билан бирга яшовчи шахсларнинг манфаатларига дахл қиладиган бўлса, хавфсизлик чораларини қўллаш учун уларнинг ёзма розилиги олиниши зарур.

20-модда. Ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш асослари

Ҳимоя қилинувчи шахснинг жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлиши (вафот этиши) ҳамда унинг баданига шикаст ёки соғлиғига бошқа зарар етказилиши хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлади.

21-модда. Хавфсизлик чораларини қўллаш тартиби

Суриштирув, тергов органлари, прокурор, суд, ушбу Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсга нисбатан уни ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкларини йўқ қилиш ёки уларга шикаст етказиш ёхуд унга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмиш содир этилиши хавфи мавжудлиги тўғрисидаги аризани (хабарни) олганда мазкур аризани (хабарни) уч сутка ичида текшириб кўриши, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса – бу шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш ёхуд уларни қўллашни бекор қилиш ҳақида дарҳол қарор қабул қилиши лозим. Қабул қилинган қарор ҳақида асослантилган қарор (ажрим) чиқарилади ва у чиқарилган куннинг ўзидаёқ ижро этиш учун

хавфсизлик чораларини таъминловчи органга, шунингдек ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга юборилади.

Хавфсизлик чораларини қўллаш ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан бошлаб 24 соат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Хавфсизликни таъминловчи орган ушбу Қонунда назарда тутилган хавфсизлик чораларининг зарурларини танлаб олади ва уларни қўллаш усуллари аниқлайди. Ҳимоя қилинувчи шахсга унинг хавфсизлигини таъминлашда роя қилиниши зарур бўлган кўрсатмалар берилади. Кўрсатмаларга ҳимоя қилинувчи шахснинг илтимосномасига асосан фақат хавфсизликни таъминловчи органнинг розилиги билан ўзгартиш киритилиши мумкин.

Қўлланаётган хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи шахсларнинг турар жой, меҳнат, пенсияга оид ва бошқа ҳуқуқларини бузмаслиги лозим.

Хавфсизликни таъминловчи орган танлаб олинган хавфсизлик чоралари, уларни ўзгартириш, тўлдириш ва ушбу чораларнинг натижалари ҳақида жиноят тўғрисидаги ариза (хабар)ни кўриб чиқаётган ёхуд жиноят ишини юритаётган суриштирув, тергов органлари ёки судни хабардор қилади, ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид бартараф этилган тақдирда эса – хавфсизлик чорасини бекор қилиш тўғрисида илтимоснома киритади.

Хавфсизликни таъминловчи орган зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Қонунга мувофиқ ҳимоя қилинувчи шахс билан хавфсизлик чораларини қўллаш шартлари, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисида ёзма шаклда шартнома тузади.

Вояга етмаганлар ёхуд ўзининг жисмоний ёки руҳий ҳолатидан келиб чиқиб ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил равишда амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш уларнинг қонуний вакилларини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Қонуний вакиллар ушбу Қонунда назарда тутилган доирада ўзлари вакиллик қилаётган жисмоний шахслар билан бир хил ҳуқуқларга эга.

22-модда. Ижтимоий ҳимоя чорасини қўллаш

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳалок бўлган (вафот этган)лиги ҳақидаги ариза (хабар)ни олгандан ҳамда ҳалокат (ўлим) шахснинг жиноят суд иш юритувида иштирок этиши муносабати билан содир бўлганлигини аниқлагандан сўнг, уч сутка ичида ҳалок бўлган (вафот этган) шахснинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий

ҳимоя чораларини қўллаш ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган ҳимоя қилинувчи шахснинг баданига шикаст ёки соғлиғига бошқа зарар етказилганлиги ҳақидаги ариза (хабар)ни олганда мазкур ариза (хабар)ни текшириб кўриши ҳамда уч сутка ичида ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Қабул қилинган қарор ҳақида асослантирилган қарор (ажрим) чиқарилади ва ижро этиш учун ижтимоий ҳимоя чораларини таъминловчи органга, шунингдек ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга юборилади.

Ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқиши шарт.

Ижтимоий ҳимоя чораларини таъминловчи орган ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни олгандан сўнг 10 сутка ичида уни ижро этиши лозим.

23-модда. Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тартиби

Хавфсизлик чоралари ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган уларни қўллашнинг асослари бартараф этилган тақдирда, шунингдек ушбу Қонун 21-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ хавфсизликни таъминловчи орган ва ҳимоя қилинувчи шахс ўртасида тузиладиган шартнома шартларининг ҳимоя қилинувчи шахс томонидан бузилиши натижасида уларнинг кейинчалик қўлланиши имконсиз бўлган ҳолларда бекор қилинади.

Хавфсизлик чоралари давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органга ҳимоя қилинувчи шахс томонидан юборилган ёзма ариза асосида ҳам бекор қилиниши мумкин.

Хавфсизлик чораларини бекор қилишга фақат давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг қарори (ажрими) ёхуд жиноят ишини юритаётган органнинг қарори (ажрими) асосида йўл қўйилади.

Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан бошлаб 24 соат ичида кўриб чиқиши шарт.

Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор (ажрим)да ҳимоя қилинувчи шахснинг мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ ҳуқуқларини тиклаш масалалари тартибга солиниши лозим.

Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган орган томонидан уларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар амал қилади.

Суд жинойт иши бўйича ҳукм чиқараётганда хавфсизлик чораларини қўллашни бекор қилиш ёхуд мазкур чораларни бундан буён қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради.

24-модда. Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қарорлар ижросининг мажбурийлиги

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мазкур қарорлар юборилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши шарт.

4-боб. Ҳимоя қилинувчи шахслар ва давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

25-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат томонидан ҳимоя қилинувчи шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўзларининг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини, шунингдек ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиш;

2) ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ижтимоӣ ҳимоя чораларининг қўлланишини талаб қилиш;

3) ўзларига нисбатан, шунингдек ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларининг қўлланиши ва мазкур чораларнинг хусусиятлари ҳақида билиш;

4) ушбу Қонунда назарда тутилган қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш ёхуд уларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

5) давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиш;

6) психологик ёрдам кўрсатилиши юзасидан хавфсизлик чораларини таъминловчи органга мурожаат қилиш.

26-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг мажбуриятлари

Давлат томонидан ҳимоя қилинувчи шахслар:

1) хавфсизликни таъминловчи органлар томонидан берилган кўрсатмаларни, шунингдек уларнинг қонуний талабларини бажариши;

2) ўзларига нисбатан содир этилган ҳар бир таҳдид ёхуд ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар тўғрисида хавфсизликни таъминловчи органни дарҳол хабардор этиши;

3) хавфсизликни таъминлаш учун ўзларига топширилган мулкни асраб-авайлаши;

4) ўзларига нисбатан қўлланилган хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслиги шарт.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланишга берилган мулк сотиб юборилган, ўзга шахсга бериб юборилган ёки шикастланган бўлса, ҳимоя қилинувчи шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

27-модда. Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг ҳуқуқлари

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслардан давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид мавжудлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан зарур маълумотларни сўраш ва бундай маълумотларни мазкур органлар, юридик ва жисмоний шахслардан олиш;

2) процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд хавфсизлик чораларини таъминловчи органларга зарур топшириқлар бериш;

3) зарур ҳолларда хавфсизлик чораларини таъминловчи органлардан ҳамда ижтимоий ҳимоя чораларини таъминловчи органлардан давлат томонидан ҳимоя қилишнинг қўшимча чораларини қўллашни талаб қилиш;

4) хавфсизлик чоралари ва ижтимоий ҳимоя чораларни таъминловчи органлар билан келишган ҳолда уларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш.

Хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ушбу Қонунда назарда тутилган хавфсизлик чораларининг зарурларини танлаб олиш ва уларни қўллаш усулларни аниқлаш, зарур ҳолларда қўлланиладиган хавфсизлик чораларини ўзгартириш ва уларга қўшимча киритиш;

2) ҳимоя қилинувчи шахслар томонидан уларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш шартларига риоя қилинишини ҳамда мазкур чораларни қўллаш билан боғлиқ қонуний буйруқларнинг бажарилишини талаб қилиш;

3) процессуал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида жинойт ишини юритаётган суриштирув, тергов ёки суд органларига хавфсизлик чораларини қўллаш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш;

4) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш.

Ижтимоий ҳимоя чораларини таъминловчи органлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлардан ҳамда ҳимоя қилинувчи шахслардан ижтимоий ҳимоя чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраб олиш;

2) ижтимоий ҳимоя чораларини қўллашни истисно этувчи ҳолатлар аниқланганда давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органларга мазкур чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш.

28-модда. Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг мажбуриятлари

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминловчи органлар:

1) хавфсизлик чоралари ёки ижтимоий ҳимоя чораларини қўллашни талаб этадиган ўзларига маълум бўлган ҳар бир ҳолатга нисбатан дарҳол муносабат билдириши;

2) барча зарурий хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши;

3) ҳимоя қилинувчи шахсларни уларга нисбатан қўлланиладиган ушбу Қонунда назарда тутилган хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларининг қўлланиши, ўзгартирилиши, уларга қўшимча киритилиши ёки уларнинг бекор қилиниши ҳақида, шунингдек давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорларнинг қабул қилиниши ҳақида ўз вақтида хабардор этиши;

4) ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисида қарор (ажрим) эълон қилинганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

5) ҳимоя қилинувчи шахсга психологик ёрдамни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан чоралар кўриши шарт.

29-модда. Ушбу Қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик

Хавфсизликни таъминловчи органларнинг ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларининг қўлланилмаганлиги ёки лозим даража таъминланмаганлиги учун айбдор бўлган мансабдор шахслари ёхуд хавфсизликни таъминловчи органларнинг қарорлари ижро этилмаганда мазкур қарорлар юборилган органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Амалга оширилаётган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахсларнинг бу

маълумотларни ошкор қилганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

30-модда. Давлат томонидан ҳимоя қилиш чораларининг молиялаштирилиши ва моддий-техник жиҳатдан таъминланиши

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш Давлат дастурини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимоясини таъминловчи давлат органларига шу мақсадларда ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ҳимоя қилинувчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

31-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. Мирзиёев